

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 74-ҳадис

74 - وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا سَمِعْتُمُ النَّدَاءَ، فَعُولُوا كَمَا يُفْعَلُ الْمُؤَدَّنُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«**Азонни эшитганингларда муаззин нима деса, ўшани айтинглар**», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Муаззиннинг азонини эшитган пайтимизда дунё ва охирадаги ютуққа эришиш воситаси бўлган намозга чақириқ экани боис, ушбу раббоний нидонинг ҳурматини бажо келтирмоғимиз лозим. Расулуллоҳ с.а.в.нинг бу хусусдаги кўрсатмалари- азонни эшитилганида уни қайтариб туришдир. Такрорлаб айтиб туриш билан айtilган сўзларни тасдиқлаб, иқрор бўлиш маъноси ҳам бордир. Бу иш осон бўлиши билан бирга, савоби ҳам улуғдир. У нарса Қиёмат куни Пайғамбар алайҳиссаломнинг шафоатларига сабаб бўлади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмон киши азонни эшитишга ошиқади.
2. Мусулмон киши савобни қўлга киритиш учун азонни қайтариб туради.
3. Азон эшитган пайтимизда нидога ҳурматан ишларимизни тўхтатиб турамиз.
4. Мусулмон киши бошқа биродарларига азонни қайтариб туриш фазилатини эслатиб туради.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI